

## Бақара сураси, 162-оят

09:00 / 29.12.2017 2655

**Унда мангу қолувчидирлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас. Бақара 162.**

Бундай ҳолга тушишларига уларнинг ўзлари сабабдирлар. Вақтни бекор ўтказдилар. Фурсат борида тавба қилиб, ўзларини ўнгласалар бўларди. Аммо улар бундай қилмадилар, ўлгунларича куфрда бардавом бўлдилар, шунинг учун уларга ҳар қанча лаънат бўлса, шунча оз.

**«Албатта, куфр келтириб, кофир ҳолида ўлганларга - ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг - барчанинг лаънати бўлгай».**

Шу билан бирга, улар барчанинг лаънатида абадий қолурлар. Уларга берилган Аллоҳнинг азоби ҳеч қачон енгиллатилмайди. Уларга Аллоҳ назар ҳам солмайди.

**«Унда мангу қолувчидирлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас».**

Модомики, ҳақиқатни беркитиш шунчалик гуноҳ экан, беркитилиши мутлақо мумкин бўлмаган энг илк ҳақиқат нима?